

ПОЛИХИМИЯТЕРАПИЯДАН КЕЙИНГИ БЕМОРЛАРДА БУЙРАКЛАРНИНГ ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ.

**Закиров Музаффар Рахимджанович., Рузибаев Р.Ю., Ходжаев Шухрат
Азатович., Каримов Расулбек Хасанович.
Урганч давлат тиббиёт институти.**

Мавзунинг долзарблиги: Жаҳонда полихимиятерапия асоратларини минималлаштириш, онкологик беморларни даволашда оптимал даво тактикасини танлаш энг долзарб масалалардан бир бўлмоқда. Кимётерапия нефротоксикликни ривожланиш хавфи билан боғлиқ бўлиб, у ўткир тубулали шикастланиш, ўткир тубулоинтерстициал нефрит, гломеруляр шикастланиш билан намоён бўлиши мумкин. Дори воситаларининг токсиклиги дозага ва улардан фойдаланиш частотасига боғлиқ. Платина ўз ичига олган дорилар, метотрексат, фосфамид ва унинг ҳосилалари каби дорилар ДНКга зарар этказиш, ҳужайранинг энергия захиралари миқдорини камайтириш, ҳужайра ичидаги ионлар мувозанатини ўзгартириш, реактив кислород турларини синтез қилиш орқали проксимал ўралган тубулалар эпителийсига бевосита токсик таъсир кўрсатади.

Ишнинг мақсади: Полихимиятерапия билан даволанган Урганч шаҳрида яшовчи беморларда юзага келган буйрак зарарланишларида клиник лаборатор, морфологик, морфометрик, иммуногистохимёвий жихатларини ўрганиш.

Олинган натижалар: беморларда буйрак функциясининг ёмонлашиши, протенурия ва буйрак гипертензиясининг пайдо бўлиши, клиник-лаборатор таҳлилларда креатинин ва мочевина ортиши, протенурия ва микроальбуминуриянинг пайдо бўлиши, буйрак нефронларида ёпишиш ва интрстициал тўқимадаги яллиғланиш белгиларининг пайдо бўлиши, буйрак хажмининг кичрайиши, буйрак тўқимасида иммунологик бузалишлар аниқланди.

Хулоса: хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, **клиник натижаларда** беморларда буйрак функциясининг бузилиши, гипертензия, протеинурия ва шишлар каби симптомлар кузатилди. Бу белгилар полихимиотерапиянинг салбий таъсири натижасида пайдо бўлди. **Лаборатор натижаларда** креатинин ва мочевина даражалари ортиши, протеинурия ва микроальбуминуриянинг пайдо бўлиши буйрак функциясининг бузилишига ишора қилди. **морфологик натижаларда** буйрак биопсиялари ёки микроскопик текширувлар натижасида интерстициал яллиғланиш, нефрит ва бошқа патологиялар аниқланди.

морфометрик натижаларда Буйрак ҳажмларининг кичрайиши ва нефронлардаги ишлаб чиқаришни бошқарувчи структуралардан ўзгаришлар кузатилди. **мммуногистохимик натижаларда** буйрак тўқимасида иммунологик ўзгаришлар, жумладан антиген ва антитела реакцияларининг ўзгариши аниқланди. Шу билан бирга, полихимиотерапиянинг буйракка бўлган таъсирини камайтириш учун эрта диагностика, даволашнинг самарадорлиги ва мониторинг жараёнларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу натижалар полихимиотерапиянинг буйракдаги салбий таъсирларини аниқлаш ва даволашда янги усулларни ишлаб чиқишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Р. Х. и др. ВРАЧЕБНЫЕ ОШИБКИ В ПРАКТИКЕ АКУШЕРОВ-ГИНЕКОЛОГОВ //Past and Future of Medicine: International Scientific and Practical Conference. – 2023. – Т. 2. – С. 114-117.
2. Сатликов Р. К. и др. ИНФЕКЦИЯХ МОЧЕВЫХ ПУТЕЙ //Монография:- Т.:“O ‘ZKITOVSAVDONASHRIYOTI” NMIU. – 2022. – Т. 84.
3. Турсунов Х. З. и др. Буйрак ва буйрак усти беши касаллиги, уни даволаш усуллари ҳамда асоратлари (адабиётлар шарҳи). – 2022.
4. Юлдашев, Б. С., Каримов, Р. Х., Мадаминов, Ф. А., & Мадаминов, А. С. (2024). СНИЖЕНИЕ ЧАСТОТЫ РАЗВИТИЯ НОЗОКОМИАЛЬНОЙ ИНФЕКЦИИ МОЧЕВОГО ТРАКТА ПРИ СОЧЕТАНИИ АНТИБИОТИКОВ С ИММУНОМОДУЛЯТОРАМИ. *Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences*, 3(12), 107-109.
5. Сатликов, Р. К., Юлдашев, Б. С., Закиров, Ш. Ю., & Каримов, Р. Х. ИЗУЧЕНИЯ МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ МИКРООРГАНИЗМОВ ПРИ НЕОСЛОЖНЕННЫХ ИНФЕКЦИЯХ МОЧЕВЫХ ПУТЕЙ.
6. Закиров, М., Рузибаев, Р., Хаджиев, Ш., & Каримов, Р. (2026). ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРДА ХИМИЯТЕРАПИЯНИНГ БУЙРАКЛАРГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ. INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION, 3(4), 62–63. <https://doi.org/10.5281/zenodo.19929070>
7. Закиров, М., Рузибаев, Р., & Каримов, Р. (2026). КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ПОРАЖЕНИЯ ПОЧЕК ПРИ ПОЛИХИМИОТЕРАПИИ. JANUBIY OROL VO'YI TIBBIYOT JURNALI, 2(2), 159–165. <https://doi.org/10.5281/zenodo.19559883>